

Техник топширик

Жиззах вилоят Ғаллаорол туман Кўкгумбаз МФЙ Қоронғул қишлоғига 3 та артизан қуриш ва тармоқ тортиш мақсадида

№	Маълумотлар рўйхати	Асосий маълумотлар ва талаблар
1	Харидор	Жиззах вилоят Ғаллаорол туман ҳокимлиги
2	Энг яхши таклиф мавзуси	Жиззах вилоят Ғаллаорол туман Кўкгумбаз МФЙ Қоронғул қишлоғига 3 та артизан қуриш ва тармоқ тортиш
3	Энг яхши таклифнинг рақам билан танлаш	№6
4	Бюртмачи манзили ва алоқалари	Жиззах вилояти Ғаллаорол тумани Самарканд МФЙ
5	Алоқа қилувчи шахс	Хўжалик ишлари мудир
6	Энг яхши таклиф танлови эълони	Etender.uzex.uz
7	Иштирокчиларга энг яхши таклифни танлашда иштирок этишга рухсат берилади	Юридик шахслар бирлашмаларининг танловида иштирок этишга йўл қўйилмайди
9	Лицензияланган иш турлари	Лицензия талаб қилинадиган эксперт хулосаси техник маълумотлар вароқларининг реестр нусхалари
10	Иштирокчиларнинг тушунтиришлар учун ариза бериш муддати Энг яхши таклифни танлаш	Таклифни топшириш охириги муддати 10 кун олдин
11	Таклифнинг амал қилиш муддати	Тендер таклифлари берилган кундан бошлаб қабул қилинади
12	Энг яхши таклиф танлаш ва таклифларни очиқ амалга оширади	Электрон
13	Таклифни баҳолаш муддати	Таклифни баҳолаш муддати таклифларни қабул қилиш тугаган кундан бошлаб 3 кундан ошмайди
14	Шартноманинг бажарилишини таъминлаш миқдори	Танлов натижаларига кўра аниқланган иш қийматининг 1%
15	Мижоз чегараси нархи	1 144 436 886 сўм
16	Рақобат тили	Ўзбек
17	Молиялаштириш манбаи	Бюджет
18	Шартнома валютаси	Сўм

Ғаллаорол туман ҳокимининг
биринчи ўринбосари:



Т.Кўчқоров



«ТАСДИҚЛАЙМАН»

Ғаллаорол туман хокимининг
биринчи ўринбосари

Т.Қўчқоров

“ 01 ” декабрь 2022 йил

Жиззах вилоят Ғаллаорол туман Кўкгумбаз МФЙ Қоронғул қишлоғига 3 та артизан қуриш ва тармоқ тортиш мақсадида Е-тендер.uz порталига эълон жойлаштирилиб, Молиявий ва иш сифати яхши бўлган тадбиркорларни аниқлаб, ғолиб ташкилотларни аниқлаш мақсадида танловларни ташкил этиш бўйича ўтказиладиган танловлар ва (ёки) тендерларга тайёргарлик кўриш бўйича харид комиссиясининг дастлабки йиғилиш

БАЁННОМАСИ № 4

Ғаллаорол туман хокимлигининг 2022 йил 29 сентябрьдаги 01-13/25-сонли буйруқ билан билан тасдиқланган харид (танлов) комиссияси қуйидаги таркибда қатнашдилар:

1	Mamarajabov Akbar Rabbimovich	-	Туман хокими ўринбосари
Комиссия аъзолари:			
2	Muratov Muxutdin Xabibullayevich	-	Туман хокимлиги юристи
3	To`yuchiyev G`ayrat Raxmatullayevich	-	Туман хокими ўринбосари
4	Eshonqulov Ilhom Xasanovich	-	Туман хокимлиги девонхона мудир
5	Mamasharipov Dilmurod G`afurovich	-	Туман хокимлиги бош мутахассиси
Комиссия котиби:			
6	Jo`rayev Xolmo`min Norqulovich	-	Туман хокимлиги бош ҳисобчиси

КУН ТАРТИБИДА :

1. Харид комиссияси иш тартибини (регламентини) белгилаб олиш;
2. Танлов ва талабгорнинг малакасини аниқлаш ҳужжатларига, офертани жойлаш ва маркировка қилиш шarti ва талабларини кўриб чиқиш ҳамда тасдиқлаш;
3. Таклифларни техник ва молиявий баҳолаш мезонларини кўриб чиқиш ва тасдиқлаш;
4. Танловларда кўзда тутилган 3%лик закат тўловларни белгиланган тартибда тўланишини кўриб чиқиш ва тасдиқлаш.

КУН ТАРТИБИГА ҚЎЙИЛГАН МАСАЛАЛАР ЮЗАСИДАН СЎЗГА ЧИҚҚАНЛАР:

1. Танлов комиссияси раиси А.Мамаражабов ўтказиладиган Танловларни белгиланган тартиб асосида қонуний ўтишини таъминлаш, Танлов ҳужжатлари талабларига мос равишда етказиб берувчи ташкилотларни танлаш, комиссия аъзолари томонидан маъқулладиган ва буюртмачи томонидан 1-иловага мувофиқ тасдиқланадиган иш регламентига асосан ўтказиш мақсадга мувофиқлигини айтиб ўтди.

2. Комиссия котиби Х.Жўраев – талабгорларнинг малакасини аниқлаш ҳужжатларига, офертани жойлаш ва маркировка қилиш ҳолда бўлиши тўғрисидаги ахбороти эшитилди.

Танлов котиби Қоронғул қишлоғига 3 та артизан қуриш ва тармоқ тортишда танлов ўтказиш шартлари ва тартиботига риоя қилиш, ўтказиш, шартнома тузиш, лойиҳани амалга оширишда танлов шартларининг бажарилиши, ишлар (хизматлар) ни бажариш ва молиялаштириш жадвалларининг ижроси устидан мониторинг ўтказиш ва ислохотларни амалга ошириш бўйича Республика комиссиясининг 1-сонли мажлис баённомаси 2009 йил 6 февралдаги №05/23-16 сон қайд билан тасдиқлангани тўғрисида маълумот бериб ўтди. Ушбу тасдиқланган тартиботга кўра танловда умумий солиқ – ҚҚС тўловчиси ва Ягона солиқ тўловчиси қатнашган тақдирда – ғолиб буюртмачи томонидан аниқланган ҚҚС тўловсиз нарх асосида аниқланишини билдириб ўтди.

3. Танлов комиссияси раиси – А.Мамаражабов таклифларни техник ва молиявий баҳолаш мезонларини 2-иловага мувофиқ кўриб чиқиш ва тасдиқлаш, шунингдек ушбу объектлар бўйича бирлашган юридик шахслар (консорциум, ассоциациялар, ҳамкорлик ва бошқалар)нинг танловда иштирок

этишига рухсат бермаслик тўғрисида таклиф билдирди. Шу билан бирга, хужжатларни техник ўрганиш баҳоланиши натижалари бўйича танлов хужжатлари талабларига мос келмаган оферентлар таклифларини рад этиш ва танловдан четлаштириш мақсадга мувофиқлигини айтиб ўтди.

4. Комиссия аъзолари ушбу объектлар бўйича таклифларни Ғаллаорол туман хокимлиги Қоронғул қишлоғига 3 та артизан қуриш ва тармоқ тортиш ишларида танловларини ташкил этиш *etender.uzex.uz* эълонлар оммавий ахборот воситаларида эълон чоп этилган кундан бошлаб **5 (беш) иш кунидан** кейин очилишини маъқулладилар.

Юқоридаги таклифларни танловлар жараёнларида қўллаш учун Харид комиссияси раиси харид комиссияси аъзолари ўртасида овозга қўйди, натижада:

Розилар	-	5 та
Қаршилар	-	Йўқ
Бетарафлар	-	Йўқ

Кун тартибидаги масалаларни муҳокама қилиб, харид комиссияси йиғилиши

Қ А Р О Р Қ И Л А Д И :

1. Харид комиссиясининг 1-иловага мувофиқ иш тартиби буюртмачига тасдиқлаш учун тавсия этилсин.
2. Талабгорлар хужжатлари пакетларга жойлаштирилиши ва маркировка қилиниши, ушбу тартибда тақдим қилинмаган оферталар қабул қилинмаслиги, шу билан бир қаторда, Танлов хужжатларидаги танлов қатнашчилари учун йўриқномада талаб қилинган шарт ва талаблар тасдиқлансин.
3. Талабгорлар таклифларини техник ва молиявий баҳолаш мезонлари 2-иловага асосан тасдиқлансин.
4. Буюртмачи томонидан ушбу объектлар бўйича бирлашган юридик шахслар (консорциум, ассоциациялар, ҳамкорлик ва бошқалар)нинг танловларида иштирок этишига рухсат бермаслик тўғрисида таклиф комиссия аъзолари томонидан маъқулланганлигини инобатга олиб, уларни иштирок этишига рухсат бермаслик таклифи тасдиқлансин.
5. “Артизан қуриш ва тармоқ тортиш соҳасида танлов ва (ёки) тендер ўтказиш шартлари ва тартиботига риоя қилиш, ўтказиш, шартнома тузиш, лойиҳани амалга оширишда танлов шартларининг бажарилиши, ишлар (хизматлар) ни бажариш ва молиялаштириш жадвалларининг ижроси устидан мониторинг ўтказиш ва ислохотларни амалга ошириш” бўйича Республика комиссиясининг 1-сонли мажлис баённомасига кўра 2009 йил 6 февралдаги №05/23-16 сон қайд билан тасдиқланган тартибот маълумот учун қабул қилинсин. Ушбу тартиботга кўра танлов ва (ёки) тендерда умумий солиқ – ҚҚС тўловчиси ва Ягона солиқ тўловчиси қатнашган тақдирда – ғолиб буюртмачи томонидан аниқланган ҚҚС тўловисиз нарх асосида аниқланиши белгилаб қўйилсин.
6. Танловларда пакет хужжатларини техник ўрганиш ва баҳоланиши натижалари бўйича танлов хужжатлари талабларига мос келмаган талабгорлар таклифларини рад этиш ва танловдан четлаштиришни, бошланғич нархидан юқори берилган таклифларни кўриб чиқмаслик масаласи танлов комиссиясининг иш тартибига қабул қилинсин.
7. Комиссия котиби зиммасига харид комиссиясининг қарорлари асосида қабул қилинган шарт ва талабларни танлов хужжатларига таркибига киритиш юклансин. Шарт ва талабларни инобатга олиб ушбу объектлар бўйича ишлаб чиқилган танлов хужжатлари, уларнинг таркибидаги шакллар ва иловалар ҳамда уларни тақдим этиш бўйича қўйилган талаблар тасдиқлансин.
8. Талабгорлар томонидан объектлар бўйича тақдим этилган пакетлар эълонлар махсус ахборот порталида берилган кундан бошлаб камида 5 кундан кейин очилиши тасдиқлансин.
9. Қуйидагилар буюртмачининг асосий талаблари этиб тасдиқлансин:
 - молиявий имкониятлари етарли, шартнома расмийлаштириш юзасидан фуқаролик муомила ҳуқуқий ваколатга эгаллиги;
 - тегишли ва ўхшаш соҳаларда ишларни бажариш бўйича тажриба ва малакага эга бўлган мутахассислари етарли бўлиши лозим;
 - агар танлов предмети ҳисобланадиган ишлар (хизматлар)ни бажариш билан боғлиқ фаолият Ўзбекистон Республикаси норматив-ҳуқуқий хужжатларига мувофиқ лицензияланиши керак бўлса, тегишли лицензияга (маълум иш турларини олиб боришга) эга бўлиши шарт;
 - қурилиш ишларини бажариш бўйича камида 3 йиллик иш тажрибасига эга бўлиши шарт;
 - танловларга охирги 3 йилда илгари бажарган ишларда объектларни ўз вақтида топшириш бўйича пудрат шартномасидаги мажбуриятларни асоссиз бузган талабгорларнинг тўплаган баллари, яъни 1 ойдан 2 ойгача кечиктирган бўлса балларидан 10 балл чегирилади, 2 ойдан 3 ойгача кечиктирган бўлса – иш тажрибаси учун балл нолга тенглаштирилади, 3 ой ва ундан кўп муддатга кечиктирган бўлса ёки охирги 3 йилда шартнома шартларини қўпол равишда бузган ташкилотларга буюртмачи ва фойдаланувчи ташкилотларнинг асослантирилган ишончсизлик хати тақдим этилган бўлса – танлов комиссияси оферент таклифини рад этиш ҳуқуқига эга.
 - баҳолаш гуруҳи аъзолари оферентларнинг кўрсаткичларини баҳолашда оферентларнинг малака кўрсаткичларини батафсил ўрганиб чиқиб, оферентларнинг ишлаб чиқариш базалари, омборлари, қурилиш техникаси ва кичик механизмлар тўғрисида 1-пакет хужжатларида кўрсатилган маълумотларга мослигини, аввал бажарилган кўрилиш объектларининг ўз вақтида фойдаланишга топширилганлигини.

шунингдек, бошқарувчи ва муҳандис-техник ходимларнинг диплом ва меҳнат дафтарчалари ва бошқа ҳужжатларнинг нусхаларини ўрганиб чиқади;

10. Талабгорларнинг 1-пакетидаги ҳужжатларини техник жиҳатдан баҳолаш натижаларига кўра 50 баллдан кам балл тўплаган оферентларнинг малакаси етарли эмас деб топилсин ва ушбу оферентлар танловдан четлаштирилсин.

11. Объектда ишларни яқунлаш бўйича буюртмачи томонидан белгиланган муддатга нисбатан 10%дан кўпроқ муддат бўйича таклифлар кўриб чиқилмайди ва ушбу талабгор танловдан четлаштирилсин.

12. Талабгор инсофсиз ижрочиларнинг ягона реестрида қайд этилган бўлса ёки ўзига нисбатан жорий этилган банкротлик тартиб-таомиллари юритилган бўлса ёки муддати ўтган кредиторлик қарздорлиги бўлса, бундай талабгорлар танловдан четлаштирилсин.

Танлов ташкилотчиси танлов комиссияси қабул қилган қарорига асосан танлов ҳужжатларига тегишли маълумотлар киритсин.

Mamarajabov Akbar
Rabbimovich

To'ychiyev G'ayrat
Raxmatullayevich

Muratov Muxutdin
Xabibullayevich

Eshonqulov Ilhom
Xasanovich

Mamasharipov Dilmurod
G'afurovich

Комиссия котиби:

Jo'rayev Xolmo'min
Norqulovich



«ТАСДИҚЛАЙМАН»

Ғаллаорол туман хокимининг
биринчи ўринбосари

Т.Кўчқоров

2022 йил
декабрь

Жиззах вилоят Ғаллаорол туман Кўкгумбаз МФЙ Қоронғул қишлоғига 3 та артизан қуриш ва тармоқ тортиш учун Смета ва Лойиха ҳужжатлари тайёрлаш мақсадида Е-тендер.uz порталига эълон жойлаштирилиб, Иш сифати яхши бўлган тадбиркорларни аниқлаш мақсадида танловларни ташкил этиш бўйича

ТАНЛОВ КОМИССИЯСИНING ИШ ТАРТИБИ (РЕГЛАМЕНТИ)

I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1.1. Харид комиссиясининг иш тартиби “Давлат харидлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонуни талаблари асосида ишлаб чиқилган бўлиб, харид комиссиясининг танловларни ташкил этиш ва ўтказиш жараёнида олиб борадиган иш тартибини белгилайди.

1.2. Мазкур регламентга танловлар предметини ҳисобга олган ҳолда харид комиссияси томонидан ўзгартиришлар киритилиши мумкин.

1.3. Харид комиссияси коллегиял орган ва танловларнинг асосий қатнашчиси (танловларни ўтказиш жараёнинг доимий ёки вақтинчалик органи) ҳисобланиб, буюртмачи томонидан ташкил этилиб, буйруқ ёки бошқа расмий ҳужжат билан тасдиқланади, танловларни ўтказиш жараёнида пайдо бўладиган низолар ва келишмовчиликларни кўриб чиқишга ваколатлидир.

1.4. Мазкур харид комиссияси Ёшлар ишлари агентлиги Ғаллаорол туман бўлимининг 2022 йил 29 сентябрьдаги 01-13/25-сонли буйруғи билан тасдиқланган.

II. ХАРИД КОМИССИЯСИНING ИШ ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ

2.1. Харид комиссиясининг дастлабки йиғилиши танлов ҳужжатининг ишлаб чиқилиши жараёнида ўтказилиб, харид комиссияси томонидан кўриб чиқилади ва тасдиқланади:

- танлов ва талабгорларнинг малакасини олдиндан аниқлаш ҳужжатларини, ҳужжатларни махсус сайтга жойлаштириш шарт ва талабларини;

- таклифларнинг техник ва молиявий баҳолаш мезонларини;

- танловларда қатнашишга зақалат тўлаш шакли ва миқдорини;

- офертани қабул қилишнинг охири куни ва вақтини белгилайди, бунда *etender.uzex.uz* ахборот воситаларида эълон берилган кундан бошлаб 5 кундан эртaroқ бўлмаслиги шарт;

2.2. Танлов таклифларининг техник ва молиявий баҳолашнинг тавсиявий мезонлари 2-иловада келтирилган.

2.3. Техник ва молиявий баҳолаш мезонлари иш тури, таклиф қилинган нархлар ва бажариш муддатларидан келиб чиқиб ҳар бир объект бўйича алоҳида кўриб чиқилади ва тасдиқланади.

2.4. Харид комиссияси қайсидир бир танловлар қатнашчисига устунлик берувчи танлов таклифларининг баҳолаш мезонларини белгилашга ҳақли эмаслар.

2.5. Харид комиссияси навбатдаги йиғилишларида танлов ҳужжатларида кўрсатилган мезонларга мувофиқ талабгорларнинг ҳужжатларини ўрганади, текширади ва кўриб чиқади, танлов ғолибини аниқлайди ёки бошқа қарор қабул қилади;

2.6. Харид комиссиясининг ҳар бир йиғилишларида комиссия раиси томонидан тасдиқланадиган ва иштирок этган барча комиссия аъзолари имзо чекадиган баённомалар юритилади.

2.7. Харид комиссияси таркибига буюртмачининг қарори билан комиссия котиби киритилиши мумкин, унинг мажбуриятларига харид комиссиясининг ишчи ҳужжатларини расмийлаштириш киради, бунда комиссия котиби мустақил овоз бериш ҳуқуқига эга эмас.

2.8. Қоидага кўра, харид комиссиясининг котиби этиб танлов ташкилотчиси тайинланади.

III. ТАРКИБИНИ КЎРИБ ЧИҚИШ ВА БАҲОЛАШ

3.1. Харид комиссиясининг йиғилишлари куйидаги тартибда амалга оширилади:

- барча талабгорларнинг ҳужжатлари харид комиссияси томонидан тасдиқланган танлов ҳужжатларининг талабларига мос келиши керак;

- Чойшаблар х/б материалдан фойдаланилган бўлиши шарт

- ҳужжатларни ўрганиш давомида, уларнинг таркиби ва уларнинг тўғри расмийлаштирилганлиги текширилганда уларнинг кўриниши буюртмачи томонидан тасдиқланган танлов ҳужжатларининг шартларига мос келиши керак.

3.2. Агар бирон бир ҳужжат мавжуд бўлмаси ёки нотўғри расмийлаштирилган бўлса, танлов ҳужжатлари рад этилади ва ушбу талабгор танловдан четлаштирилади.

3.3. Таклифлар таркибини ўрганиш оферентлар ёки уларнинг ваколатли вакилларининг иштирокисиз, тасдиқланган мезонлар асосида ўрганиб чиқилади.

3.4. Харид комиссияси ўзининг таркибидан оферентларнинг малака кўрсаткичларини баҳоловчи ишчи гуруҳини тузади, шу билан бирга ишчи гуруҳининг фаолиятига зарур бўлган ҳолларда мустақил экспертларни таклиф этади.

3.5. Баҳолаш гуруҳлари ёки мустақил экспертларга пакетлар таркибини ўрганиш бўйича аниқ муддатлар белгиланиб, таклиф киритиш ҳақида топшириқлар берилади.

3.6. Таклифлар таркибини ўрганиб бўлгандан сўнг, баҳолаш гуруҳининг тавсияларини Харид комиссияси оддий овозга қўйиш усули билан қарор қабул қилади, баҳолаш гуруҳининг тавсияларига розилик билдирилмаган ҳолларда, харид комиссияси баҳолаш гуруҳига ҳужжатларни қўшимча ўрганиш топширигини ёки комиссия аъзоларининг ҳар бири мустақил равишда танлов таклифларининг баҳолаш варақларини ва якуний баҳолаш жадвалларини тўлдириш бўйича қарор қабул қилиш мумкин.

3.7. Агар оферентнинг офертаси кейинги босқичларга ўтиши учун техник баҳолаш натижалари бўйича комиссия аъзоларининг кўпчилик овози маъқулланса, танлов комиссиясининг қарори ижобий ҳисобланади.

3.8. Харид комиссиясининг овозга қўйиш натижалари ҳақидаги маълумотлар махфий ҳисобланади ва ошкор этишга йўл қўйилмайди.

3.9. Ҳар бир офертанинг кейинги босқичларга ўтиши кўпчилик овоз билан ҳал қилинади, агар овозлар тенг бўлганда комиссия раисининг овози ҳал қилувчи ҳисобланади. пакетларни очиш, ҳамда ғолибни аниқлашда ёки комиссия аъзоларини бошқа хулоса ва қарорлари овоз бериш усули орқали амалга оширилади.

3.10. Оферентларнинг техник малакасини баҳолаш натижалари бўйича Харид комиссиясининг қарори, комиссия раиси томонидан куйидаги тартибда эълон қилинади:

- ҳужжатларини ўрганиш учун рухсат этилган талабгорларнинг рўйхати;

- дисквалификация ёки инкор этилган талабгорларнинг рўйхати.

VII. ТАКЛИФЛАРНИ КЎРИБ ЧИҚИШ, БАҲОЛАШ ВА ТАНЛОВЛАР ҒОЛИБИНИ АНИҚЛАШ

4.1. Харид комиссиясининг йиғилишларида куйидаги тартибда амалга оширилади:

- барча оферталарнинг таклифлари харид комиссияси томонидан тасдиқланган танлов ҳужжатларининг талабларига мос келиши керак;

- уларнинг таркиби ва уларнинг тўғри расмийлаштирилганлиги текширилганда кўриниши буюртмачи томонидан тасдиқланган танлов ҳужжатларининг шартларига мос келиши керак;

- талабгорларнинг танловлар предмети бўйича таклиф қилган нархи ва ишларни бажариш муддати эълон қилинади;

- буюртмачи томонидан белгиланган танлов предметининг бошланғич нархи ва ишларни бажариш муддати эълон қилинади;

- харид комиссияси аъзоларидан оферентларнинг молиявий кўрсаткичларини баҳоловчи ишчи гуруҳ тузилади ва улар томонидан танлов ҳужжатларининг техник қисмидаги физик иш ҳажмлари ва ресурсларига мувофиқлигини ўрганиб чиқиб, харид комиссиясига ўз хулосасини тақдим этадилар;

- арифметик хатолар текширилади;

4.2. Ҳар бир офертани очиш, унинг таркибининг тўлиқлиги текшириш кетма-кетликда амалга оширилади. Танловлар предметининг бошланғич нархи ва ишларни бажариш муддати, талабгорларнинг нарх бўйича таклифлари эълон қилингандан сўнг ошкор этилади.

4.3. Таклифларнинг таркибини ўрганиб чиқиш ва баҳолаш оферентлар ёки уларнинг ваколатли вакилларининг иштирокисиз амалга оширилади.

4.4. Таклифлар таркибини ўрганиб бўлгандан сўнг, баҳолаш гуруҳининг тавсияларини харид комиссияси оддий овозга қўйиш усули билан қарор қабул қилади, баҳолаш гуруҳининг тавсияларига розилик билдирилмаган ҳолларда, харид комиссияси баҳолаш гуруҳига таклифларни қўшимча ўрганиш

топширигини ёки комиссия аъзоларининг ҳар бири мустақил равишда танлов таклифлари бўйича қарор қабул қилиш мумкин.

4.5. Талабгорларнинг Малакавий кўрсаткичлари бўйича тўплаган баллари, ишлар(хизматлар) бўйича таклиф этилган нарх ҳамда муддат бўйича таклифлари махсус интерполяция программасига киритилади. Энг катта балл тўплаган оферент танлов комиссияси аъзолари ўртасида ўтказилган овоз бериш натижаларига асосан ғолиб деб топилади. Оферталарда таклиф этилган нархни ўзгартириш юзасидан музокаралар олиб бориш тақиқланади.

4.6. Танловларнинг туридан қатъи назар, танлов ғолиби харид комиссиясининг ёпиқ мажлисида аниқланади. Танлов комиссияси ғолибларни энг кўп рақобатли нархлар, етказиб бериш ва ишларни бажариш (хизматлар кўрсатиш) шартлари, тўлов ҳамда танлов шартларида белгиланган бошқа мезонлар бўйича аниқлайди.

Харид комиссиясининг овозга қўйиш натижалари ҳақидаги маълумотлар махфий ҳисобланади ва ошкор этишга йўл қўйилмайди.

4.7. Танлов ғолибини аниқлаш бўйича харид комиссиясининг қарори, комиссия раиси томонидан оферентларнинг ёки уларнинг ваколатли вакиллари иштирокида эълон қилинади. Иштирок этмаган оферентлар танлов ташкилотчиси томонидан ёзма равишда хабардор қилинади.

4.8. Комиссия томонидан келиб тушган таклифларга нисбатан қабул қилинган қарори якуний ҳисобланади. Танлов тартиботидан келиб чиққан келишмовчиликлар ва низолар, буюртмачи, харид комиссияси, танлов ташкилотчиси ёки танлов бошқа қатнашчиларининг хатти-ҳаракатлари (ҳаракатсизлик) ва қарорлар юзасидан шикоятлари қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда кўриб чиқилади.

V. ХАРИД КОМИССИЯСИНИНГ ҲУҚУҚЛАРИ

5.1. Харид комиссияси талабгор (оферент)дан унинг малака маълумотларига мувофиқлигини тасдиқловчи далилларни ҳужжатли шаклда тақдим этишни талаб қилишга ҳақлидир.

5.2. Харид комиссияси ўзининг қарори билан қуйидаги ҳолларда талабгорни (оферент) бундан кейин танлов тартиботида қатнашишдан четлатишга ва оферталарни кўриб чиқмасдан қайтариб беришга ҳуқуқлидир:

- агар танлов предмети ҳисобланадиган ишлар (хизматлар)ни бажариш билан боғлиқ фаолият Ўзбекистон Республикаси норматив-ҳуқуқий ҳужжатларига мувофиқ лицензияланиши керак бўлсада, тегишли лицензияга эга бўлмаса (лойиҳа ишларини ёки бошқа турдаги ишларни олиб боришга лицензияга эга бўлмаса);

- таклиф ҳужжатларида Ўзбекистон Республикаси норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талаблари бузилганда, танлов ҳужжатлари талаблари ёки малака маълумотлари тўғрисида нотўғри ахборот аниқланганда;

- талабгор қайта ташкил этиш (бўлиниш, бирлашиш), тугатиш ёки банкротлик босқичида бўлган ва мулки хатлаб қўйилган бўлса;

- таъсис ҳужжатлари, молиявий қатнашиш, холдинг шаклида ва бошқа шаклларда ифодаланган бир-бири билан бевосита ташкилий-ҳуқуқий ёки молиявий боғлиқ бўлган бўлса;

5.3. Харид комиссияси танлов ҳужжатларининг эълон қилинган шартларга номувофиқлигини ёки офертани расмийлаштиришдаги ноаниқликларни улар бошқа қатнашчиларнинг рейтингига таъсир кўрсатмайдиган ва уларга йўл қўйган танлов қатнашчисига устунлик бермайдиган ҳолларда эътиборга олмаслиги мумкин.

5.4. Харид комиссияси танлов иштирокчиларида танловни ўтказиш жараёнида келиб чиққан маълум эътироз ва шикоятларни, унга ечим ва жавобларни 10 кун муддат ичида тайёрлашга ҳақлидир. Танловларни ўтказиш жараёнига боғлиқ келишмовчиликлар Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда кўриб чиқилади.

5.5. Харид комиссияси оферент томонидан офертанинг мазмунини тушунтириб берилишига йўл қўйишга ҳуқуқлидир.

Бунда офертанинг мазмунини, шу жумладан нархи ёки бажариш муддатини ўзгартирувчи тушунтиришлар берилишига йўл қўйилмайди.

5.6. Агар таклифлар бериш муддати тугаган вақтда танлов иштирокчиларидан танлов ҳужжатларида кўрсатилган талабларга мос келадиган камида иккита таклиф олган бўлса, танлов ўтказилган деб топилади.

Танлов иштирокчиси таклифининг техник қисми баҳоланади, бунда 50 баллдан юқори балл тўплаган талабгорларнинг баллари ҳамда нарх ва муддат бўйича таклифлари махсус интерполяция программасига қўйилади. Программа танлов ғолибини аниқлаб беради.

Агар таклифларни кўриб чиқиш натижалари бўйича харид комиссияси барча таклифларни рад этган бўлса ёки фақат битта таклиф танлов ҳужжатлари талабларига мувофиқ келса, танлов ўтказилмаган деб топилади.

5.7. Танловларнинг ўтказилмаган деб эълон қилиниши харид комиссиясига мулккий ёки бошқача тусдаги ҳуқуқий жавобгарлигига олиб келмайди.

5.8. Харид комиссияси танлов жараёнидаги саволлар бўйича исталган қарорларни қабул қилишга ҳақлидир, агар улар белгиланган ҳуқуқий база билан асосланган бўлса.

VI. ХАРИД КОМИССИЯСИНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

6.1. Харид комиссияси:

- талабгор (оферент)дан унинг малака маълумотларига мувофиқлигини тасдиқловчи далилларни ҳужжатли шаклда тақдим этишнинг асоссиз талаб қилиниши;
- талабгорларнинг ўз интеллектуал мулки ёки тижорат сирини муҳофаза қилишга бўлган ҳуқуқи бузилганлиги;
- талабгорлар (оферентлар)нинг малака маълумотларига нисбатан танлов ҳужжатларида назарда тутилмаган мезонлар ва талаблар белгиланганлиги;
танловда қатнашишга:
 - муассислик ҳужжатлари, молиявий қатнашиш, холдинг шаклида ва бошқа шаклларда ифодаланган бир-бири билан бевосита ташкилий-ҳуқуқий ёки молиявий боғлиқ бўлган ташкилотларнинг;
 - қайта ташкил этиш (бўлиниш, бирлашиш) тугатиш ёки банкротлик босқичида бўлган, мулки хатлаб қўйилган талабгорларнинг қўйилганлиги;
 - солиқ имтиёзларини тақдим этадиган ёки молиявий операцияларни амалга оширишда ахборотни ошкор қилишни ва тақдим этишни назарда тутмайдиган (оффшор ҳудудлар) давлатлар ва ҳудудларда рўйхатдан ўтган, шунингдек оффшор ҳудудларида жойлашган банклардаги ҳисоб рақамли норезидентларнинг;
 - танловларга эълон берилишига қадар 3 йил муддатдан кам бўлган муддатда таъсис этилган ташкилотларнинг;
 - талабгор (оферент)нинг танлов тартиботида қатнашишдан асоссиз равишда четлатилганлиги;
 - Танловларнинг бошқа қатнашчилари рейтингига таъсир қилмайдиган, уларга йўл қўйган танлов қатнашчисига устунлик бермайдиган ҳолларда танлов ҳужжатларининг эълон қилинган шартларга ёки офертани расмийлаштиришдаги ноаниқликларга номувофиқлиги эътиборга олинганлиги;
 - оферта мазмунини ўзгартирадиган тушунтиришлар ва тузатишларга йўл қўйилганлиги, шу жумладан нархлар ёки бажариш муддати ўзгартирилганлиги;
 - офертани харид комиссияси мажлисида кўриб чиқиш давомида оферентнинг тушунтириш беришига асоссиз равишда йўл қўйилмаганлиги;
 - ахборотнинг ошкор қилинганлиги, савдолар қатнашчиларининг ўзаро ёки жалб этилган мутахассислар билан келишувига йўл қўйилганлиги, шунингдек қонунга зид бошқа хатти-ҳаракатлар қилинганлиги;
 - танлов ғолибининг харид комиссиясининг очик мажлисида аниқланганлиги, танлов ғолибини эълон қилиш тартиботи бузилганлиги, иштирок этмаган қатнашчиларнинг ўз вақтида хабардор қилинмаганлиги;
 - танлов тартиботининг бошқача бузилишлари учун жавоб беради.

VII. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

7.1. Мазкур иш тартиби танлов ҳужжатининг ажралмас қисмидир ва харид комиссияси томонидан кўриб чиқилган ва буюртмачи тасдиқлаган вақтдан бошлаб кучга киради.

Т/р	Талаб номи	Тасдиқловчи ҳужжат	максимал балл (100) балл)	Изоҳ
1	Қурилиш майдонини қўрганлик ҳақида далолатнома. Танлов ўтказиш даврида танлов иштирокчисининг бошқа контрактлари тўғрисида маълумотнома	Тасдиқланган маълумот	10	Танлов талабномасини таъминлаш бўйича банк қафолатномаси ёки декларатция, бошқа объектлари тўғрисида маълумот тақдим қилмаслик ёки бошқа объектларида иш кетаётган бўлса ишчи ходимлари ва техникаларининг бўлиниши ҳисобига 0,5 коефициент билан баҳоланади
2	Ишларни бажаришда фойдаланиладиган машина-механизм, зарур асбоб-ускуна ва анжомлар рўйхати.	Тасдиқланган маълумот	25	Махсус техникаси ҳақида умумий маълумот
3	Танловга қўйилган объектга ўхшаш объектлар бўйича иш тажрибаси. Ўхшаш объектлар бўйича бажарган ишлари	Гувоҳнома нусхаси, ўхшаш объектлар бўйича тузган шартномаси, ишларни бажариш ҳисоботлари (Ф-2, Ф-3) ёки объектларни фойдаланишга топшириш далолатномалари	25	Иш тажрибаси (бир йиллик иш стажи) учун 5 балл (Максимал 25 балл)
4	Танлов иштирокчисининг молиявий ҳолати тўғрисида маълумотлар. Танлов иштирокчисининг молиявий ҳолати, аудитор компанияси ёки солиқ органлари томонидан тасдиқланган баланс ҳисоботларини илова қилган ҳолда (асл нусха)	Солиқ органлари томонидан тасдиқланган баланс	15	Тақдим қилган ҳужжатга қўра 5 балдан 15 балгача
5	Ташкилотда фаолият юритувчи ишчи-ходимлар сони (ишчи ходимларга ҳисобланган иш ҳақи бўйича тақдим қилинган солиқ ҳисоботлари асосида охириги жами 12 ойда ҳисобланган иш ҳақи миқдори билан текширилади)	Маълумотнома (Ф.И.Ш., лавозими ҳамда иш тажрибаси) my.mehnat.uz дан ўтганлигини тасдиқловчи штрх коди билан бирга бўлиши шарт	25	10 ва ундан ортиқ ишчи ходимлари бор талабгорга 25 балл берилади, кейинги талабгорларнинг баллари интерполяция оркали аниқланади (талабгор аввалги объектларда голиб булса ишчи-ходимлар сони камайтириб ҳисобланади)
6	Кооррупцион ҳолатларга йўл қўймасликка ҳамда ўз вақтида сифатли ишни тугатишга қафолат хати	Қафолат хати	5	Ишни тез ва сифатли бажаришга, коррупцион ҳолатларга йўл қўймасликка қафолат хати. Бажарган ишларига 12 ой қафолат берилади, шу даврда таъмирталаб ҳолга келиб қолса пудратчи ҳисобидан таъмирлаш ишлари амалга оширилади